

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ПСИХОЛОГИЯ
ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ИЛМИЙ
ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.Psi.72.06 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ФАЙЗИЕВ ЗОҲИДДИН ҲАСАНБОЕВИЧ

**КАЗУСЛИ ВАЗИЯТЛАРДА СПОРТЧИ ЭМОЦИОНАЛ ҲОЛАТИНИ
КОРРЕКЦИЯЛАШНИНГ ИЖТИМОЙ – ПСИХОЛОГИК МЕХАНИЗМЛАРИ**

19.00.05 – Ижтимоий психология. Этнопсихология

**ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Бухоро – 2020

**Психология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати
мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
психологическим наукам**

**Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD) on psychological
Sciences**

Файзиев Зоҳиддин Ҳасанбоевич

Казусли вазиятларда спортчи эмоционал ҳолатини коррекциялашнинг ижтимоий-
психологик механизмлари.....3

Файзиева Зоҳиддина Ҳасанбаевич

Социально-психологические механизмы коррекции эмоционального состояния спортсмена
в случайных ситуациях.....24

Fayziev Zokhiddin

Socio-psychological mechanisms of correction of an athlete`s emotional state in casual
situations.....45

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 49

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ПСИХОЛОГИЯ
ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ИЛМИЙ
ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.Psi.72.06 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ФАЙЗИЕВ ЗОҲИДДИН ҲАСАНБОЕВИЧ

**КАЗУСЛИ ВАЗИЯТЛАРДА СПОРТЧИ ЭМОЦИОНАЛ ҲОЛАТИНИ
КОРРЕКЦИЯЛАШНИНГ ИЖТИМОЙ – ПСИХОЛОГИК МЕХАНИЗМЛАРИ**

19.00.05 – Ижтимоий психология. Этнопсихология

**ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Бухоро – 2020

Психология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.1.Phd/Psi54 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Қарши давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (buxdu.uz) ва «Ziynet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Баротов Шариф Рамазонович

психология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Абдурашулов Рустам Абдураимович

психология фанлари доктори, профессор

Фарфиева Камола Атхамжоновна

психология фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот: Ўзбекистон давлат жаҳон тиллар университети

Диссертация ҳимояси Бухоро давлат университети ҳузуридаги психология фанлари бўйича фалсафа доктори PhD.03/30.12.2019.Psi.72.06 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «__» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200101, Бухоро вилояти, Бухоро шаҳри, Мухаммад Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.: (0365) 221-29-14; факс: (+0365) 221-27-57; e-mail: buxdu.rektor@buxdu.uz).

Диссертация билан Бухоро давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 200101, Бухоро вилояти, Бухоро шаҳри, Мухаммад Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.: (0365) 221-29-14. Диссертация автореферати 2020 йил «__» _____ кун тарқатилди.

(2020 йил «__» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)



М.А.Утепбергенов

Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш раиси ўринбосари,
психология фанлари доктори, доцент

Д.А.Собирова

Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш илмийкотиби,
психология фанлари бўйича
фалсафа доктори (PhD), доцент

А.М.Жабборов

Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси,
психология фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда спортнинг футбол турини оммавийлаштириш дунё ҳамжамияти ижтимоий сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири этиб белгиланган. Таъкидлаш жоизки, жаҳонда болалар ва ўсмирлар спортини ривожлантириш, иқтидорли болаларни футболга кенг жалб этиш, уларнинг спорт маҳоратини шакллантириш, психологик ҳолатни баҳолаш, организмни морфофункционал кўрсаткичларининг ривожланиш даражасини аниқлаш, жисмоний, техник-тактик тайёргарлигини оширишда қўлланиладиган восита ва услублардан амалиётга татбиқ этиш, ўқув машғулотларини илмий асосда ташкил қилиш юзасидан кўплаб илмий тадқиқот ишлари олиб борилган. Жаҳон стандартларига мос, рақобатбардош спортчиларни тайёрлаш учун уларларни ҳам жисмоний, ҳам маънавий–психологик жиҳатларига алоҳида ёндашув талаб этилади.

Дунё спортида спортчиларнинг казусли вазиятларга тушиб қолиши, ушбу вазиятларни енгиш кўникмаларининг шакллантирилиши казусли, экстремал ва стрессли вазиятларни келтириб чиқарувчи ташқи ва ички омилларни ўрганишни тақозо этади. Спортчи шахсини психологик ривожлантиришга таъсир этадиган ижтимоий-психологик хусусиятлар, ҳиссий-эмоционал ҳолатлар ва уларнинг салбий жиҳатлари билан боғлиқ муаммоларни ўрганиш эса ушбу тадқиқотнинг муҳим йўналиши ҳисобланади. Жуда кўп спорт турлари, шу жумладан, футбол спорт тури билан шуғулланувчи спортчиларнинг казусли вазиятларда эмоционал ҳолатини ифодалаб беришдаги тадқиқотлар долзарб аҳамият касб этмоқда.

Президентнинг бешта муҳим ташаббусларининг иккинчи йўналишида “ёшларни жисмоний чиниқтириш ва спорт соҳасида ўз қобилиятини намоён қилишлари учун зарур шароитлар яратиб бериш, уларни бўш вақтларида жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш ва оммавий спортга қамраб олиш, олис ва чекка қишлоқларда кичик спорт заллари ва сунъий қопламали майдонлар қуриш, болалар ва ўсмирлар спорт мактабларини кўпайтириш ва уларнинг моддий техник базасини шакллантириш” вазифалари белгиланган.

Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 14 январдаги «Жисмоний тарбия ва спортни тўғрисида»ги қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 16 мартдаги ПҚ-3610-сон «Футболни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 мартдаги ПФ-5368-сон «Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, 2019 йил 4 декабрдаги ПФ-5887-сон «Ўзбекистонда футболни ривожлантиришни мутлақо янги босқичга олиб чиқиш чора-

тадбирлари тўғрисида»ги Фармони¹ ва мавзуга оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу тадқиқот муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I.«Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мамлакатимизда ёшларнинг жисмоний ва руҳий уйғунликда камол топиши, уларнинг психик барқарорлик ва иродавий сифатларини шаклланишида спорт ва жисмоний тарбия, спорт мактаблари ва тўғараклари муҳим аҳамият касб этади. Спорт психологиясида казусли вазиятлар ва эмоционал ҳолат ўзгаришини тадқиқ этиш ва бу муаммонинг замонавий ечимларини ишлаб чиқиш хориж ва мамлакатимиз психологиясида ўта долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Ўзбекистонлик олимлар Э.Ғ.Ғозиев², Ғ.Б.Шоумаров, В.М.Каримова, А.М.Жабборов, Ш.Р.Баротов³, З.Т.Нишонов⁴, Н.С.Сафоев, Д.Ғ.Мухамедова, Р.С.Самаров, З.Ғ.Гаппаров, М.Маматов, Р.А.Абдурасулов⁵, З.Э.Ғазиева⁶ ва бошқалар томонидан казусли вазиятлар ва унда пайдо бўладиган ҳиссий-эмоционал кечинмаларни ўрганиш борасида муайян даражада тадқиқот ишлари олиб борилган.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ) мамлакати олимлари И.П.Волков, Н.Б.Стамбулова, А.В.Алексеев, В.Ф.Сопов, Л.С.Выготский⁷, Д.А.Леонтьев, А.В.Петровский⁸, Р.М.Загайнов⁹, В.Н.Лебедев, А.М.Столяренко, В.Н.Томалинцев, М.Ш.Магомед-Эминов, Л.А.Китаев-Смык,

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 4 декабрдаги “Ўзбекистонда футболни ривожлантиришни мутлақо янги bosқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5887-сон Фармони. – <https://lex.uz/docs/4631208> (Электрон ресурс. 2020 йил 8 майда мурожаат этилган)

² Ғозиев Э.Ғ. Умумий психология. –Т.: 2010. -544 б.; Ғозиев Э.Ғ., Жабборов А.М. Фаолият ва хулқ-атвор мотивацияси. –Т.: 2003. -124 б.

³ Баротов Ш.Р. Психологик хизмат. –Т. 2018. -346 б.

⁴ Нишанова З.Т. ва бошқ. Психологик хизмат. –Т.: 2014. -424 б.

⁵ Абдурасулов Р.А. Ўқувчи шахсини шакллантиришда спорт машғулотларининг ўрни. Монография. – Т.:Фан ва технология.2013.-204 бет.

⁶ Ғазиева З.Э. Спортда гуруҳий жипслик шаклланиши ва ривожланишининг ижтимоий-психологик хусусиятлари:Психология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация автореферати: 19.00.05. – Тошкент: 2019. - 55 б.

⁷ Выготский Л.С. Динамика и структура личности подростка: Хрестоматия по возрастной и педагогической психологии. – М.: Международная педагогическая академия, 1994. -С. 211-215.; Выготский Л.С. Психология. – М.: ЭКСМО-Пресс. 2000. -1008 с.

⁸ Петровский А.В. Личность. Деятельность. Коллектив.–М.: 1992. -254 с.

⁹ Загайнов Р.М. Об объективных показателях изменения эмоционального состояния боксера до и после соревновательного боя: Тез.докл. Всес. совещ. по психологии физического воспитания и спорта. –Тбилиси.: 1997. -30 с.; Загайнов Р.М. Педагогика и психология преодоления кризисных ситуаций в спортивной деятельности. (Опыт построения концепции). –Тбилиси.: 1997. -24 с.; Загайнов Р.М. Психолог в команде. – М.:Фис.1994. -144 с.; Загайнов Р.М., Киселев Ю.Я. Особенности эмоционального состояния боксеров до и после соревновательного боя. Психологические вопросы тренировки и готовности спортсменов к соревнованиям. –М.: Фис.1998. -С. 77-85.; Загайнов Р.М. Соколов Л.Ф. Соревновательные стресс-факторы в боксе. Бокс. –М.: Фис.1994. -С.26-27.; Загайнов Р.М. Психологическая подготовка боксера к соревнованию и в процессе турнира (на опыте работы со сборной командой РСФСР). –Киев.: 1994. -С.34-50.

В.И.Медведев ва бошқаларнинг спорт психологияси бўйича олиб борган замонавий тадқиқотларида казусли, экстремал, стрессли вазиятлар, жароҳатли ҳодисалар ва жароҳатли кечинмалар оқибатларини ўрганиш муаммоларига эътибор қаратилган.

Хорижий олимлар томонидан казусли вазиятлар ва ушбу вазиятларда пайдо бўладиган эмоционал ҳолатлар борасида бир қанча изланишлар олиб борилган бўлса-да, аммо улар қўлга киритган натижаларни маҳаллий шароитда тўғридан-тўғри қўллаш ижобий самара бермаслиги мумкин. Мазкур муаммони ечишга бағишланган ишлар хорижлик олимларнинг бир қатор изланишларида баён этилган. Жумладан, умумий психология ва шахс психологиясида С.Л.Рубинштейн¹⁰, А.Ц.Пуни¹¹, Л.Р.Правдина, В.Л.Марищук, Е.П.Ильин¹², М.А.Котик, П.А.Рудик, Ю.Л.Ханинларнинг олиб борилган илмий изланишларда казусли вазиятлар феномени ва эмоционал кечинмалар тушунчаларига атрофлича шарҳ берилган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Қарши давлат университетининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ 2015-2020 йилларга мўлжалланган “Баркамол инсон шахсини шакллантиришнинг объектив шарт-шароитлари ва субъектив омиллари диалектикаси” мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади казусли вазиятларда спортчи эмоционал ҳолатини коррекциялашнинг ижтимоий-психологик механизмларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

тадқиқот ишига оид манбаларни назарий ўрганиш, тизимлаштириш ва таҳлил қилиш;

спортчиларининг казусли вазиятлардаги эмоционал ҳолатини диагностика қилиш ва коррекциялашга мўлжалланган методик тузилмани ишлаб чиқиш;

спортчи ёшларда казусли вазиятлардаги эмоционал ҳолатни коррекциялашнинг ижтимоий-психологик механизмларини аниқлаш;

мусобақа жараёнидаги мураккаб вазиятларда спортчи эмоционал ҳолатни барқарорлаштирувчи ижтимоий-психологик тренинглар дастурини яратиш ва унинг самарадорлигини баҳолаш;

казусли вазиятларда спортчи эмоционал ҳолатини коррекцияловчи копинг-стратегиясини тайёрлаш ва уларда барқарор эмоционал ҳолатни таъминловчи оптимал машқлар вариантини тузиш.

¹⁰ Рубинштейн С.Л. Бытие и сознание. Человек и мир. – Санкт-Петербург.: Питер. 2003.-191 с.

¹¹Пуни А.Ц. О диагностике состояния психической готовности спортсмена к соревнованию//Психологическая подготовка спортсменов различных видов спорта к соревнованию. –М.: ФиС. 1998. -10 с.; Пуни А.Ц. Некоторые психологические вопросы готовности к соревнованиям в спорте. Л.: 1993. -29 с.; Пуни А.Ц. Состояние психической готовности и психологическая подготовка к соревнованиям в спорте//Вопросы психологии спорта. –Л.: 1995. –С. 3-15.

¹² Ильин Е. П. Психология воли. 2-е изд. –СПб.: Питер. 2009. -368с.; Ильин Е.П. Дифференциальная психофизиология. –СПб.: 2001. -264с.; Ильин Е.П. Мотивация и мотивы. –СПб: Питер. 2000. -512с.; Ильин Е.П. Оптимальные характеристики работоспособности человека. Автореф.докт.дисс. –Л.: 1998. -32с.; Ильин Е.П. Психология спорта. –Санкт-Петербург: Питер. 2008. -132 с.

Тадқиқотнинг объектини Қашқадарё, Сурхондарё ва Бухоро вилоятларидаги спортнинг футбол тури билан шуғулланувчи жами 290 (Болалар ва ўсмирлар спорт мактаблардан 144, Футбол академияларидан 146) нафар спортчи ташкил этади.

Тадқиқотнинг предмети казусли вазиятларда спортчилар эмоционал ҳолатининг намоён бўлишидан иборат.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқотда шахс эмоционал ҳолатини аниқлашга доир “Хавотирланиш даражасини текшириш методикаси” (Ч.Д.Спилбергер - Ю.Л.Ханин), шахснинг “Индивидуал-типологик хусусиятларни аниқлаш” усули (Г.Ю.Айзенк); Р.Б.Кеттелнинг “16-омилли шахс сўровномаси” методикаси ва эмпирик натижаларни қайта ишлашда математик-статистика усуллари (Стьюдентнинг t-мезони, К.Пирсоннинг корреляция коэффицентини ҳисоблаш методлари)дан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

спортчиларда казусли вазиятлардаги эмоционал ҳолатни коррекциялашнинг ижтимоий-психологик механизмлари ишлаб чиқилган;

Футбол академиялари ва БЎСМ спортчиларининг казусли вазиятлардаги эмоционал ҳолатини коррекциялашга мўлжалланган методик аппарат тизимлаштирилган;

спорт фаолиятидаги казусли вазиятларда эмоционал ҳолатни барқарорлаштирувчи ижтимоий-психологик тренинглари дастури яратилган ва унинг самарадорлиги аниқланган;

казусли вазиятларда спортчи эмоционал ҳолатини коррекциялашга мўлжалланган копинг-стратегияси тайёрланган ва барқарор эмоционал ҳолатни юзага келтирувчи мукаммал тизим яратилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

казусли вазиятларда спортчиларда пайдо бўладиган салбий эмоционал ҳолатларни келтириб чиқарувчи омиллар аниқланди ва уларни бартараф этиш усуллари тавсия қилинган;

мусобақа жараёнида спортчи шахсига хос эмоционал ҳолатлар(стресс) таъсири аниқланди ва уни енгиш чоралари таклиф қилинган;

спортчиларда салбий эмоционал ҳолатга мойилликни камайитиришга йўналтирилган психокоррекцион дастур ишлаб чиқилиб, апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот мобайнида тўпланган маълумотларнинг ишоччилиги аввало қўлланилган методологик базанинг мукамаллиги, «MS EXCEL», «SPSS-15.0» замонавий математик-статистика методлари мажмуаси бўйича ўртача қиймат ва унинг вариацияси, стандарт оғиш, К.Пирсон бўйича корреляция коэффицентини ҳисоблаб чиқиш билан асосланади.

Тадқиқотнинг илмий ва амалий аҳамияти. Спортчи фаолиятидаги казусли вазиятлар феномени, унинг мураккаб тузилмаси таҳлили, казусли кўзгатувчиларга субъектив реакция билдириш ва бу вазиятлардаги эмоционал ҳолат хусусиятларини аниқлаш билан белгиланади. Спортчиларда казусли вазиятлар феноменини тадқиқ этиш мусобақалаш

фаолияти шароитларида психологик концепциялар яратиш ва апробация қилиш имконини беради. Тадқиқот натижаларидан малакали спортчиларни психологик тайёрлаш амалиётида, уларда спортга оид муҳим сифатларни шакллантириш жараёнида, спортчиларга психологик ёрдам кўрсатишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Казусли вазиятларда спортчи эмоционал ҳолати ўзгаришини ўрганиш бўйича олинган илмий тадқиқот иши натижалари асосида:

спортчиларда казусли вазиятлардаги эмоционал ҳолатни коррекциялашнинг ижтимоий-психологик механизмлари ишлаб чиқилганлиги ҳақидаги маълумотлар Болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари, Футбол академиялари ўқув машғулотларида ҳамда Психология ўқув-илмий маркази амалий фаолиятида жорий қилинган (Психология ўқув-илмий марказининг 2020 йил 15 февралдаги ПМ-01-сон, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигининг 2020 йил 17 февралдаги 03-07-08-633 сонли маълумотномаси). Натижада спорт муассасалари тарбияланувчиларининг жисмоний-психологик тайёргарлиги сифатини оширишга эришилди;

спорт фаолиятидаги казусли вазиятларда эмоционал ҳолатни барқарорлаштирувчи ижтимоий-психологик тренинглар дастури яратилганлиги, унинг самарадорлигини оширишга йўналтирилган тавсиялар Болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари, Футбол академиялари ўқув машғулотларида ҳамда Психология ўқув-илмий маркази 2020 йил 15 февралдаги ПМ-01-сонли баёни билан “Шахснинг маънавий ва психологик камол топиши методик таъминотини ишлаб чиқиш” вазифасига киритилган ва Психология ўқув-илмий маркази амалий фаолиятида жорий қилинган (Психология ўқув-илмий марказининг 2020 йил 15 февралдаги ПМ-01-сон, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигининг 2020 йил 17 февралдаги 03-07-08-633-сонли маълумотномаси). Натижада спорт муассасалари учун тайёрланадиган махсус амалиётчи психологларда спортчиларнинг психологик жиҳатдан тайёргарлигини такомиллаштириш бўйича кўникмаларини оширишга эришилган;

Футбол академияси ва БЎСМ спортчиларининг казусли вазиятлардаги эмоционал ҳолатини коррекциялашга мўлжалланган методик аппарат тизимлаштирилганлиги ҳақидаги маълумотлар Болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари, Футбол академиялари ўқув машғулотларида ҳамда Психология ўқув-илмий марказининг 2020 йил 15 февралдаги ПМ-01-сонли баёни билан “Жамиятда долзарб ижтимоий муаммоларни ўрганиш, таҳлил қилиш ва ҳал этиш бўйича илмий психологик тадқиқотлар ўтказиш ҳамда уларда қўлланиладиган самарали методларни ишлаб чиқилишини таъминлаш” вазифасига киритилган (Психология ўқув-илмий марказининг 2020 йил 15 февралдаги ПМ-01-сон, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигининг 2020 йил 17 февралдаги 03-07-08-633-сонли маълумотномаси). Натижада Марказнинг бўлажак амалиётчи психологлариининг фаолиятида спортчи эмоционал ҳолатини бошқариш ва уни енгиш борасидаги психологик билимлар билан бойитиш таъминланган;

казусли вазиятларда спортчи эмоционал ҳолатини динамик хусусиятларини бартараф этишга мўлжалланган копинг стратегияси тайёрланди ҳамда барқарор эмоционал ҳолатни юзага келтирувчи мукамал тизимини яратилиши ҳақидаги маълумотлар Болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари, Футбол академиялари ўқув машғулотида ҳамда Психология ўқув-илмий марказининг 2020 йил 15 февралдаги ПМ-01-сонли баёни билан “Давлат буюртмаси ҳамда ижтимоий талаблар асосида жамият ҳаётидаги шахс психологияси билан боғлиқ бўлган махсус тизимли муаммолар бўйича амалий психологик тадқиқотлар ўтказиб, уларнинг ечими бўйича таклифлар ишлаб чиқиш” вазифасига киритилган (Психология ўқув-илмий марказининг 2020 йил 15 февралдаги ПМ-01-сон, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигининг 2020 йил 17 февралдаги 03-07-08-633-сонли маълумотномаси). Натижада бўлғуси амалиётчи психологлар спортчи шахсида пайдо бўладиган казусли вазиятлар ва салбий эмоционал ҳолатларни бартараф этиш ва бошқариш кўникмалари янада ошганлиги кузатилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертациянинг асосий мазмуни 2 та хорижий ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 10 та илмий иш чоп этилган, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 8 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Тадқиқот ишнинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 142 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, мавзу бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи ва муаммони ўрганилганлик даражаси баён этилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, шунингдек объекти ва предмети аниқланган, ишнинг фан ва технологиялар ривожланишининг муҳим йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, натижаларнинг амалиётда жорий этилиши, эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши борасидаги маълумотлар киритилган.

Диссертациянинг “**Казусли вазиятларда спортчи эмоционал ҳолати ўзгаришининг ижтимоий-психологик муаммо сифатида ўрганилиши**” деб номланган биринчи бобида узоқ ва яқин хорижлик ҳамда мамлакатимиз психолог олимларининг мавзуга оид назарий қарашлари умумлаштирилган, казусли вазиятлар ва эмоционал ҳолатлар феноменларига муаллифлик таърифлари батафсил келтирилган, спортчи шахснинг психологик тайёргарлиги, унинг казусли вазиятларни тўғри баҳолаши, эмоционал ҳолатларга берилмаслиги, шунингдек спортчининг муваффақиятга эришиши билан боғлиқ бўлган концептуал масалалар чуқур ўрганишга ҳаракат қилинди.

Казусли вазиятлар спортчилар фаолиятини кескин ўзгартиришга қодир воқелик бўлиб, бундай вазиятлар мусобақа жараёнидаги ва ўйин пайтида эмоционал беқарорликни, асабий тарангликни, айниқса салбий кечинмалар (стресс, аффект, депрессия ва бошқ.) юзага келишини, спортчилар психологик тайёргарлигининг назарий-методологик асосларига кўра казусли вазиятлар ички мураккаб эмоционал боғланишли тузилишга эга бўлиб, юксак даражада ривожланган моддий тизимнинг олий функционал ифодаси эканлиги аниқланди. Стресс ҳолатларини инсон ҳаётининг турли даврларида турлича намоён бўлиши Н.Н.Бехтерева, Ф.Е.Васильев, М.В.Коркина, Л.А.Китаев-Смык каби олимлар томонидан тадқиқ этилган бўлиб, улар кўпинча бу тафовутларни ҳам асаб, ҳам гормонал тизимдаги ўзгаришлар билан боғлаб тушунтирадилар.

Диссертацияда эмоционал ҳолатларни келиб чиқишини илмий-амалий ўрганиш натижасида инсон шахсига мотивацион, иродавий, ахлоқий, когнитив, регулятив таъсир ўтказишнинг омилкор шакллари илмий асослаб берилди. Е.Миронов, Г.Селье, Ю.Л.Ханин, Т.Кокс, К.Маккей, Х.Вольф, Д.Механик, Ф.Б.Березин, Р.Лазарус, В.А.Бодров, С.К.Нартова-Бочавер каби олимларнинг тадқиқотларидаги казусли вазиятларга, шунингдек стрессли вазиятларга қаршилик кўрсатишнинг самарали стратегияларини излашга йўналтирилган илмий қарашлар бугунги кунда ўта долзарб ҳисобланади. Шу сабабли казусли вазиятларни муваффақиятли енгиш ва унинг салбий таъсирини минимум даражасига олиб тушиш ҳар бир спортчининг муҳим кўникмаларидан бири сифатида эътироф этилди.

Диссертациянинг **“Казусли вазиятларда спортчи эмоционал ҳолатини экспериментал (эмпирик) ўрганиши”** деб номланган иккинчи бобида тадқиқотнинг назарий-методологик асосларини тадқиқотда қўлланилган методикаларнинг умумий тавсифи, ўтказилиш тартиби, олинган натижаларнинг таҳлили ва корреляцион боғлиқликни топиш ташкил этади. Шунингдек, казусли (тасодифий, кутилмаган) вазиятларда спортчиларнинг эмоционал ҳолатларини психодиагностика ва психокоррекция қилиш қонуниятларини чуқурроқ, объектив равишда тадқиқ этишни мақсадга мувофиқ деб топилди.


Диссертацияда Болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари ва Футбол академиялари спортчиларидаги хавотирланиш даражасини ўрганиш мақсадида Ч.Д.Спилбергер-Ю.Л.Ханин методикасидан фойдаланилди. Натижалар таҳлил қилинганда, Болалар ва ўсмирлар спорт мактабларидаги спортчиларда хавотирлик даражасининг нисбатан юқори (40,77) эканлигини, Футбол академияси спортчиларида эса, хавотирланиш шкаласи бўйича олинган ўртача балл (36,67) деярли нормал ҳолатга яқинлиги билан эътиборга сазовордир. Эҳтимол, ҳозирги кунда футбол ташкилотлари ўйинчиларининг руҳий ҳолатларига алоҳида эътибор қаратилаётганлиги ва психологик хизматнинг йўлга қўйилганлиги бунинг сабабидир. Натижалар таҳлилининг кузатганимизда Болалар ва ўсмирлар спорт мактабларида ва Футбол академияси спортчилари ўртасидаги кўрсаткичда ишонч тафовутлари мавжудлиги намоён бўлди (** $P \leq 0.01$). Шунинг учун ҳам юқоридаги

тахминдан фойдаланишга тўғри келди. Қуйидаги жадвалда эса синалувчилардан олинган натижалар таҳлили яққол ифодаланган (1-жадвал).

1-жадвал.

Хавотирланиш даражасини текшириш бўйича БЎСМлар ва Футбол академияси спортчиларидан олинган натижаларнинг таҳлили (n=290)

Методика	Синалувчи спортчилар	n=290	Ўртача	Стандарт оғиш	t	Ишонч даражаси
Хавотирланиш даражаси	БЎСМлар	144	40,77	8,106	2,116	,037**
	Футбол академиялари	146	36,67	10,108		



1-расм. Хавотирланиш даражаси бўйича БЎСМлар ва Футбол академияси спортчиларидан олинган натижалари.

Тадқиқотда спортчиларнинг шахслилик хусусиятларини атрофлича ўрганиш мақсадида Р.Б.Кэттелл томонидан ишлаб чиқилган 16 фактор (омил)ли саволномадан фойдаланилди ва натижалар қуйидагича намоён бўлди (2-жадвал).

2-жадвал.

Р.Б.Кэттелл методикаси бўйича Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби ва Футбол академиялари спортчиларининг кўрсаткичлари ўртасидаги фарқларни намоён бўлиши (n=290)


Методикадаги омиллар	Жамоалар	n ₁ n ₂	Ўртача	Стандарт оғиш	t	Ишонч даражаси
Одамови – мулоқотмандлик (А)	БЎСМлар	144	6,93	2,799	,473	,638
	Футбол академияси	146	6,67	2,367		
Интеллект (В)	БЎСМлар	144	4,93	1,561	,601	,550
	Футбол академияси	146	4,72	1,809		
Эмоционал беқарорлик– эмоционал барқарорлик (С)	БЎСМлар	144	5,48	2,215	-1,482	,142
	Футбол академияси	146	6,17	2,244		
Бўйсунувчанлик– устунлик (Е)	БЎСМлар	144	5,57	1,922	-2,462	,016**
	Футбол академияси	146	6,74	2,534		
Ўзини тута олиш– экспрессивлик (F)	БЎСМлар	144	6,77	2,133	,582	,562
	Футбол академияси	146	6,48	2,631		
Ҳиссиётга берилувчи–хатти- харакатнинг юқори меъёрлиги (G)	БЎСМлар	144	5,45	2,953	-2,644	,010**
	Футбол академияси	146	7,04	2,748		
Тобелик-кучлилик (Н)	БЎСМлар	144	5,84	2,156	1,595	,114
	Футбол академияси	146	6,61	2,399		
Эмоционал қўполлик– сезгирлик (I)	БЎСМлар	144	8,11	1,687	2,461	,016**
	Футбол академияси	146	7,07	2,294		
Ишонч–гумон (L)	БЎСМлар	144	7,48	2,328	1,469	,146
	Футбол академияси	146	6,78	2,159		
Амалийлик– ижодкорлик (M)	БЎСМлар	144	5,14	1,875	-1,886	,063
	Футбол академияси	146	5,98	2,324		
Ҳақиқатгўйлик– дипломатлик (N)	БЎСМлар	144	6,89	2,738	-1,275	,206
	Футбол академияси	146	7,54	2,126		

Ўзига ишонч– ўзига ишонмаслик (O)	БЎСМлар	144	8,95	1,725	4,319	,000***
	Футбол академияси	146	6,87	2,721		
Консерватизм– радикализм (Q1)	БЎСМлар	144	8,30	1,440	3,157	,002**
	Футбол академияси	146	6,89	2,593		
Конформлик– ноконформлик (Q2)	БЎСМлар	144	5,61	2,365	-1,356	,179
	Футбол академияси	146	6,28	2,316		
Паст даражадаги ўзини назорат килиш–Юқори даражадаги ўзини назорат қилиш(Q3)	БЎСМлар	144	9,00	2,606	3,309	,001*
	Футбол академияси	146	7,24	2,442		
Бўшашганлик– қўзғатувчанлик (Q4)	БЎСМлар	144	8,73	1,744	4,920	,000***
	Футбол академияси	146	6,63	2,254		
Ўзини баҳолаш адекватлиги (MD)	БЎСМлар	144	4,95	1,855	-6,000	,000***
	Футбол академияси	146	8,00	2,836		

Изоҳ: * $P \leq 0,05$, ** $P \leq 0,01$, *** $P \leq 0,001$

Жамоалар орасидаги фарқли ҳолатлар таҳлил қилинганда E, G, I, O, Q1, Q3, Q4, MD омиллар ифодасида сезиларли тафовутларни кўришимиз мумкин. Бўйсунувчанлик-устунлик (E) омили бўйича БЎСМлар ва Футбол академияси ўртасида **($P \leq 0,01$) ишончли фарқлар мавжудлиги аниқланди. БЎСМ спортчилари орасида тобе бўлиш ҳолати бироз юқорилиги намоён бўлди. Футбол академияси спортчилари орасида эса мустақил бўлишга интилиш ҳолатининг юқорилиги кузатилди.

Ҳиссиётга берилувчи-хатти-ҳаракатнинг юқори меъёри (G) омили бўйича синалувчилар ўртасида ишончли фарқлар мавжудлиги кузатилди. БЎСМларда ҳиссиётларга берилиш **($P \leq 0,01$) юқорилигини, Футбол академиясида эса бу ҳолатда ўзини бошқариш ҳолатининг кучлилиги ва шаклланганлигини кузатишимиз мумкин. БЎСМларда казусли вазият ва эмоционал ҳолатларнинг таъсирига тушиш эҳтимоли кучли эканлиги, гуруҳий меъёрлар ва талабларни бажаришга мойиллик етарли даражада сезиларли эмаслиги тадқиқот давомида маълум бўлди. Бу ҳолатлар 2-расмда яққолроқ ифодаланганлиги кўриш мумкин.



2-расм. Ҳиссиётга берилувчи-хатти-ҳаракатнинг юқори меъёрлиги (G) омили бўйича жамоавий фарқлар.

Эмоционал кўполлик-сезгирлик (I) омили бўйича БЎСМ тарбияланувчилари ва Футбол академияси спортчилари ўртасида ишончли фарқлар $** (P \leq 0,01)$ мавжудлигини кузатишимиз мумкин. БЎСМларда ўзига ишонч, реалистлик, амалийлик, баъзи ҳолларда қаттиққўллик хослигини кузатишимиз мумкин. Бу кўрсаткичлар уларнинг атрофдагиларга нисбатан кўпол муносабатда бўлишлари мумкинлигидан ҳам далолат беради. Футбол академияси спортчиларида эса бу кўрсаткич (сезгирлик) нисбатан юқорилигини кузатишимиз мумкин. Уларда юмшоқлик, тобелик, романтизмга мойиллик, артистизм, тафаккурнинг ижодийлиги мавжудлигини эътироф этиш мумкин. Шу боис, улар инсонларни яхши тушуна оладилар, уларда эмпатия яхши ривожланганини, бир қарорга келиш, узоқни кўра билиш имконияти ва фазилатлари шаклланаётганини кузатишимиз мумкин.

Ўзига ишонч-хавотирланиш (O) омилининг юқори даражаси БЎСМ спортчиларида $*** (P \leq 0,001)$ қайд қилинди. Айнан уларда таъсирларга тезда берилиш ҳолатларини кузатишимиз мумкин. Мазкур ҳолат Футбол академияси спортчиларида паст кўрсаткични ташкил этганлиги уларнинг ўйин жараёнидаги ҳиссиётлари анча барқарорлашганидан далолат беради.

Консерватизм-радикализм (Q1) омили бўйича ҳам синалувчилар ўртасида ишончли фарқлар мавжуд $** (P \leq 0,01)$. Мазкур омил консерватизм ва радикализм ҳолатларини белгиловчи омиллардан бири ҳисобланади, БЎСМлардаги синалувчиларда консерватизм ҳолатининг юқорилиги, яъни спорт соҳасида ва атрофида содир бўлаётган янгиликларни тез қабул қила олмаётганлигини кузатишимиз мумкин. Футбол академияси спортчиларида эса бу ҳолатларда янгиликка интилишнинг кучлилиги намоён бўлган. Бу айнан казусли вазиятларни қабул қилиш даражаси Футбол академияси спортчиларида юқори эканлигини билдиради.

Паст даражада ўзини назорат қилиш - юқори даражада ўзини назорат қилиш (Q3) омили бўйича ҳам синалувчилар ўртасида $* (P \leq 0,05)$ ишончли тафовутлар аниқланди. БЎСМларда ўзини назорат қилиш даражасининг юқорилигини кузатишимиз мумкин, Футбол академияси спортчиларида бу

кўрсаткич бироз пасайиб, меъёрга яқин борганлиги маълум бўлди. БЎСМларда ўзини назорат қилиш мураббий томонидан тартиб интизомнинг қаттиқ қўйилганлиги, назоратнинг кучлилиги сабабли шундай меъёردа ифодаланиши кузатилди.

Бўшашганлик-қўзғалувчанлик (Q4) омилида ҳам ишончли фарқ борлиги аниқланди $*** (P \leq 0,001)$. БЎСМ синалувчиларида Футбол академияси спортчиларига нисбатан ўйин вақтида лоқайд бўлиш ва бўшашиш ҳолати мавжуд эканлиги тадқиқотда ўз исботини топди. Футбол академияси синалувчиларида эса бу ҳолат аксинча экани кузатилди.

Ўзини баҳолаш адекватлиги (MD) омили бўйича ҳам синалувчилар ўртасида ишончли тафовутлар $*** (P \leq 0,001)$ кўзга ташланди. Бу омил ўзини ва ўз имкониятларини баҳолаш шкаласи бўлиб, БЎСМлардаги синалувчиларда ўзини паст баҳолаш, Футбол академияси синалувчиларида эса ўзини баҳолаш кўрсаткичлари юқори эканини кузатишимиз мумкин. Буни уларнинг ўсмирлар ва ёшлар миллий терма жамоаларида ўйнаётганлиги ва фаолият ҳамда муносабат доираларининг кенгайиб боришининг таъсиридан деб баҳолаш мумкин.

Тадқиқотнинг кейинги босқичида Г.Айзенкнинг “Индивидуал-психологик хусусиятларни аниқлаш” методикасидан фойдаланилганда натижалар қуйидагича намоён бўлди.

3-жадвал.

Г.Айзенк методикаси бўйича Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби ва Футбол академиялари спортчиларидан олинган ишонч даражасидаги фарқлар кўрсаткичлари (n=290)

Шкала	Жамоалар	n ₁ n ₂	Ўртача	Стандарт оғиш	t	Ишонч даражаи
Нейротизм	БЎСМлар	144	12,16	3,716	3,265	,002**
	Футбол академияси	146	10,15	1,850		
Экстраверсия -интроверсия	БЎСМлар	144	11,23	2,523	1,808	,074
	Футбол академияси	146	10,35	2,079		

Тадқиқот натижаларини таҳлил қилиш жараёнида респондентлар гуруҳлари ўртасида ишонч даражасидаги фарқлар $** (P \leq 0,01)$ мавжудлиги ёки йўқлигига ҳам эътибор қаратилди. Натижалар таҳлиliga кўра, нейротизм шкаласи бўйича синалувчилар ўртасида ишончли фарқлар мавжуд, яъни БЎСМларнинг ўртача қийматлари 12,16 баллни ташкил этган бўлса, Футбол академияси вакилларида бу кўрсаткич ўртача 10,15 баллни ташкил этди.

БЎСМлар синалувчиларида нейротизмнинг бироз юқори эканлигини кузатишимиз мумкин. БЎСМлар синалувчилари Футбол академияси синалувчиларига нисбатан бироз асабийроқ, нотинчроқ, кўзғалувчан ва бетоқат эканлигини кўришимиз мумкин. Бу ишонч даражасидаги фарқлар мавжудлигидан далолат беради. Экстраверсия ва интроверсия шкаласи бўйича ишонч даражасидаги фарқлар кузатилмади. Бу ҳолат БЎСМлар ва Футбол академияси спортчилари орасида экстраверт ҳам интроверт ҳам мавжудлиги ва унга хос сифат ва хусусиятлар меъёрли ривожланаётганлигидан далолат беради.

Тадқиқотлардан олинган корреляцион таҳлил натижаларига кўра, ўзини баҳолаш шкаласи ва экстраверсия-интроверсия кўрсаткичлари ўртасида ижобий муносабат ($r=0,210$; $p>0,05$) кузатилганлигини гувоҳи бўламиз. Бунда хавотирлик даражасининг ортиши экстраверсиянинг ҳам ошиб боришига сабаб бўлган. Хавотирлик даражаси ва меъёрларга амал қилиш кўрсаткичи бўйича тескари боғлиқлик ($r=-0,326$; $p>0,001$) юзага келганлигини кузатишимиз мумкин. Инсон қанчалик меъёрларга амал қилса, уларда хавотирланиш даражаси паст бўлиши кузатилди. Ўзига ишонч ва ўзини ўзи баҳолаш шкаласи бўйича ижобий ($r=0,276$; $p>0,01$) корреляцион муносабатлар ифодаланганлигини кузатиш мумкин. Бу ўзига ишонч қанчалик юқори бўлса, ўзини баҳолаш реал ва тўғри бўлишидан далолат беради. Хавотирлик даражаси ва гумон ўртасида ижобий муносабат мавжудлиги кузатилди, бу спортчиларда қанчалик хавотирлик даражаси юқори бўлса, уларнинг гумонлари ҳам шунчалик юқори бўлиши кузатилди. Р.Б.Кэттелл тести натижаларига кўра, хавотирлик даражаси ва Ю.Л.Ханиндаги хавотирлик даражаси билан мусбат муносабатда ($r=0,407$; $p>0,01$) эканлиги кузатилди. Бу айнан синалувчиларда бир шкала бўйича хавотирлик юқори бўлса, унда иккинчи шкала бўйича ҳам хавотирлик даражасининг юқори эканлиги ифодаланди. Спортчи ўз имкониятларини баҳолаш билан хавотирлик даражаси ўртасида салбий корреляцион муносабат мавжудлигини ($r=-0,425$; $p>0,01$) кузатиш мумкин. Спортчилар ўз имкониятларини қанчалик паст баҳоласа, хавотирлик ҳолатининг шунчалик ошиши мумкинлигидан далолат беради.

Нейротизм шкаласи ва мулоқотга мойиллик шкаласи ўртасида ҳам тескари алоқа ($r=-0,227$; $p>0,05$) юз берганлиги аниқланди. Нейротизм спортчиларда қанчалик юқори бўлса, мулоқотга мойиллик паст бўлиши кузатилди. Нейротизм шкаласи ва устунлик шкаласи бўйича ($r=-0,211$; $p>0,05$) тескари муносабат мавжуд. Бунда нейротизмнинг юқори бўлиши синалувчиларнинг шунчалик бўйсунувчан бўлишларидан далолат беради. Бўйсунувчанлик ҳолати казусли вазиятларда салбий оқибатларга олиб келиши мумкин. Нейротизм шкаласи ва ўзини тута олишлик шкаласи бўйича тескари корреляцияни ($r=-0,240$; $p>0,05$) кузатдик. Синалувчиларда нейротизм кучайиши билан ўзини тута олиш кўрсаткичининг камайиши, яъни ўзини тута олмаслик ҳолати юз беришига олиб келди.

Экстраверсия-интроверсия кўрсаткичи ва бўйсунувчанлик ўртасида тескари корреляция ($r=-0,216$; $p>0,05$) мавжуд. Бу экстраверсиянинг ошиши

синалувчиларда бўйсунувчанлик хусусиятининг камайишига олиб келишини ифодалайди. Экстраверсия кўрсаткичи ва уятчанлик омили ўртасида тескари корреляцион ($r=-0,313$; $p>0,01$) боғлиқлик синалувчиларда тортинчоқлик, уятчанлик кўрсаткичининг юқорилиги, уларнинг интраверт эканлигидан далолат беради. Экстраверсия кўрсаткичи ва сезгирлик кўрсаткичи ўртасида ижобий корреляцион ($r=0,245$; $p>0,05$) боғлиқлик қонунияти мавжудлигини кузатишимиз мумкин. Демак, бунда сезгир синалувчи спортчиларнинг экстраверт эканлиги кўринади. Амалийлик ва экстраверсия кўрсаткичи ўртасида ҳам ижобий боғлиқлик ($r=0,233$; $p>0,05$) мавжудлиги намоён бўлди. Экстраверт синалувчиларнинг спортда практик эканлиги ифодаланди. Консерватизм шкаласи ва экстраверсия шкаласи ўртасида тескари корреляцион боғланиш ($r=-0,281$; $p>0,01$) мавжудлиги аниқланди. Бу билан экстраверт синалувчиларнинг орасида консерваторларнинг камлигидан далолат беради. Демак, синалувчи спортчиларнинг экстраверт гуруҳлари янгиликка интилувчан, ғояларга бой спортчилар сифатида эътироф қилиниши мумкин. Ўзини ҳаққоний баҳолаш кўрсаткичи ва экстраверсия-интроверсия кўрсаткичлари ўртасида тескари корреляцион боғлиқлик ($r=-0,246$; $p>0,05$) мавжудлиги эса аксарият экстраверт синалувчиларда ўзларини қанчалик юқори баҳоласалар, уларнинг экстраверсия кўрсаткичлари шунчалик юқори даражада намоён бўлиши кузатилди.

Спортчиларнинг шахс хусусиятлари, ўйин жараёнига жисмоний ва психологик тайёргарлик ҳолатини таҳлил қилиш айнан методикалардаги кўрсаткичлар орасида корреляцион боғлиқлик қонунияти мавжуд ёки мавжуд эмаслигини аниқлашга йўналтирилган эди. Методикалар ёрдамида қўлга киритилган натижаларга қарайдиган бўлсак, методикалар ўртасида ижобий ва тескари муносабатдаги корреляцион боғлиқлик қонуниятлари мавжудлигининг гувоҳи бўлди. Методикалар ўртасидаги корреляцион боғлиқлик ва унинг тадқиқотлардаги илмий ва амалий аҳамияти диссертация иловасида батафсил берилди.

Юқоридаги таҳлиллардан келиб чиқиб спортчи шахсида эмоционал ҳолат (стресс)ни қандай омиллар келтириб чиқариши ҳам ўрганилди ва унинг сабаблари аниқланди.

Диссертациянинг **“Казусли вазиятларда спортчи эмоционал ҳолатини коррекциялашнинг ижтимоий-психологик механизмлари”** деб номланган учинчи бобида казусли вазиятларда спортчи эмоционал ҳолати ўзгаришининг олдини олишга йўналтирилган ижтимоий-психологик тренинглар дастури ва унинг самарадорлигини таъминлайдиган мезонлар ҳамда салбий эмоционал ҳолатни бартараф этишга йўналтирилган копинг-стратегияси, енгувчи машқлар тизими тўғрисида батафсил тўхталиб ўтилади.

Тадқиқот мақсадини амалга оширишда белгиланган вазифаларни бажариш учун коррекцион босқичда маълум бир шкалалар, яъни хавотирланиш ва нейротизм бўйича юқори кўрсаткичга эга бўлган (97 нафар) спортчилар билан коррекцион тренинглар амалга оширилди.

Тренингнинг асосий мақсади спортчиларнинг эмоционал ўзини ўзи бошқаришини шакллантиришдан иборат эди. Шунга кўра, тренинг вазифаси сифатида қуйидагилар белгиланди:

- хавотирланиш даражасини меъёрлаштириш;
- нейротизм шкаласи бўйича кўрсаткичларни пасайтириш;
- психокоррекцион машқлардан сўнг синалувчилардаги ўзгаришларни қайд қилиш ва баҳолаш.

